

---

## Футбол

### ДХХ КУБОГИ УЧУН МУСОБАҚАЛАР СТАРТ ОЛДИ

Бугун маҳаллалар ёшлари ўртасида футбол бўйича «Давлат хавфсизлик хизмати кубоги» спорт мусобақасининг очилиш маросимига бағишиланган тадбир бўлиб ўтди.  
«Файзли дўстлар» мажмуасида ташкилланган тадбирда туман ҳокими Дилшоджон Джалилов бошчилигига сектор раҳбарлари ҳамда ДХХ Марғилон шаҳар бўлим бошлиғи Ойбек Фармонов ва маҳаллалардан ташриф буюрган уюшмаган ёшлар жамоалари иштирок этишди.  
Мусобақани туман ҳокими Дилшоджон Джалилов очиб берди. Ҳоким ўтказилаётган бундай тадбирлар ёшларимизни бир-бирларига янада яқиндан дўст бўлишига хизмат қилишини таъкидлаб, ёшлар жамоаларига омад тилади.  
Мусобақани Юқори Сойбўйи ва Юқори маҳаллалари ёшлари бошлаб берди.

Ёзёвон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

2023-04-12 16:15:51